

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2017
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Қ.ЎРИНОВ, М.М.АБДУМАННОПОВ

Интеграл оператор қатнашган дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, А.ЮЛДАШЕВ, Т.АЗИМОВ, Ш.ЙЎЛДОШ ҚОРИ

Висмут-сурма теллурид юпка пардаларнинг электрофизик хоссаларига технологик жараённинг таъсири..... 9

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Х.НИЯЗОВ, Ж.КУРБАНОВ, А.Х.ХАЙТБАЕВ, Г.И.МУХАМЕДОВ

Саноат чиқиндилари ассида интерполимер композитлар олиш 13

М.М.НУРМАТОВА, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.Ш.ТУРҒУНБОЕВ

Катионит КУ-2-8 иштирокида 4-метилфенолни α -фенилэтилспирт билан алкиллаш 19

Ш.МУХИДИНОВА

Ташқи муҳит ва мактабгача таълим муассасалари объектларида санитар-гельминтологик текширувларнинг таҳлили 21

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.ИСАҒАЛИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ, С.СОЛИЕВА

Бўз тупроқларда изеннинг биогеокимёвий хусусиятлари 24

Г. ЮЛДАШЕВ, Г.СОТИБОЛДИЕВА

Тупроқ ҳосил бўлишининг энергия манбалари 29

О.АБДУҒАНИЕВ, М.ДЕХҚОНБОЕВА

Геокомплексларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик тамойиллари 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ, С.ИСМОИЛОВА

Ўрта ёшдаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ва ечимларига бир назар 38

А.МИРЗАЕВ, А.АСРАҚУЛОВ, С.ХАЗРАТҚУЛОВ

Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш ва уларнинг таҳлили 41

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

И.М.АРЗИМАТОВА, И.Э.ЭРКИНОВ

Шахс камолотида ижтимоий омилларнинг ўрни 46

А.САЛМОНОВ, Д.ЮСУПОВ

XX асрнинг 50-60 йилларида ислом муассасалари фаолиятини совет ҳокимияти томонидан чеклаш сиёсати ва унинг оқибатлари. (Фарғона вилояти мисолида) 50

А.АШИРОВ, Ҳ.РАҲМАТИЛЛАЕВ, И.АБДУҲАМИДОВ

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда ўчмас из қолдирган олима 53

Б.УСМОНОВ

Фарғона водийсининг Амир Темура давлати таркибига киритилиши 56

М.ИСОМИДДИНОВ, У.МЕЛИҚЎЗИЕВ

Зарафшон воҳаси деҳқон жамоалари ва чорвадорлар маданиятларининг ўзаро алоқалари 60

УДК: 39

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГРАФИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ЎЧМАС ИЗ ҚОЛДИРГАН ОЛИМА

А.Аширов, Ҳ.Раҳматиллаев, И.Абдуҳамидов

Аннотация

Ушбу мақолада этнология фанини ўрганишга катта ҳисса қўшган йирик олима аёл Б.Х.Кармишева фаолияти ва илмий тадқиқотлари ёритилган. Шу билан биргаликда олима томонидан ўтказилган дала тадқиқотларининг аҳамиятига баҳо берилган.

Аннотация

В статье освещается научная деятельность и исследования крупного ученого Б.Х.Кармышевой, внесшей большой вклад в изучение этнологии. Также дана оценка значению проведенных ею полевых исследований.

Annotation

This article highlights the scientific and research activity of outstanding scientist B.H.Karmisheva, made a major contribution to the study of ethnology. Also given an assessment of field studies carried out by B.H.Karmisheva.

Таянч сўз ва иборалар: этнология, Ғулча, Душанба, этнографик экспедиция, дала тадқиқотлари, урф-одатлар, этнограф олимлар.

Ключевые слова и выражения: этнология, Гульджа, Душанбе, этнографическая экспедиция, полевые исследования, обычаи и традиции, ученые-этнографы.

Key words and expressions: ethnology, Guldja, Dushanbe, ethnographic expedition, field studies, traditions, scientists-ethnographers.

Марказий Осиё халқлари этнологиясини ўрганишда ўзига хос мактаб яратган эъзозли инсонлардан бири машҳур этнограф олима Болқис Ҳалиловна Кармышевадир. У каби ўзбек, тожик, қирғиз халқлари этнографиясини илмий ҳолислик мезонлари асосида чуқур таҳлил қилган, кенг қўламли теран билимга эга бошқа тадқиқотчиларни учратиш қийин. Олиманинг илмий тадқиқот ишлари, асосан, XX асрнинг 50-90-йилларига тўғри келади ва қарийб 50 йил мобайнида у оддий тадқиқотчидан машҳур этнографга айланган эди. Эътиборли томони шундаки, қахрамонимиз доимо бажариладиган тадқиқотларнинг сонига эмас, балки илмийлигига жиддий эътибор қаратган. Шу боис ҳам қарийб ярим асрлик бажарилган тадқиқотларининг натижаси тарзида 60 га яқин илмий мақолалар ва йирик монография ҳамда кўплаб рисоалар нашр қилган.

Болқис Кармышева 1916 йил 13 июлда Шарқий Туркистоннинг Ғулжа шаҳрида (Хитой) савдо фирмаси хизматчиси оиласида туғилган. 1923 йили унинг отаси Ҳалил Фатихович Кармишев Москва шаҳрига мазкур савдо фирмасининг ишончли вакили сифатида юборилган. Айнан, мазкур йиллар юз берган қатағон сиёсати ушбу оиланинг келгуси тақдирига ҳам таъсир қилган ва Ҳалил ака “халқ душмани” сифатида сургун қилинган. Чунончи, совет ҳукумати томонидан Болқис Кармышеванинг отаси сургун қилингандан сўнг оилада олти

фарзанд билан қолган онасининг ҳам уч кун мобайнида нафақат Москва шаҳридан, балки Россиянинг Марказий қисмларидан ҳам чиқиб кетиши талаб қилинган. Шу боис, айнан, бу қийин лаҳзаларда уларга Ғулжадаги эски танишлари ёрдам беради. Болқис онанинг оиласи онаси билан бирга Ғулжада танишган андижонлик савдогарларнинг уйига келишган ва улар билан бирга Андижонда яшаган. Этнограф олима С.С. Губаеванинг ёзишича, Болқис Ҳалиловна ўз хотираларида, айнан, юксак маънавиятли ва зиёли инсон бўлган отасидан айрилгандан кейинги даврдаги қийинчиликлар ва машаққатли лаҳзаларни доимо эслаб турган [1.154].

Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Б.Ҳ. Кармышева қатор муассаларда турли лавозимларда, жумладан, тўқимачилик фабрикасида ишчи, қишлоқ фуқаролик йиғини котиби, Оқсу-Жаборли қўриқхонаси (Чимкент вилоятида)да лаборант, кейинчалик об-ҳаво кузатувчиси, мактабда ўқитувчи, Тошкент халқ таълими бошқармасида ўқитувчилар малакасини ошириш курсида ўқитувчи бўлиб ишлаган [1.155].

Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ-А.А., Ҳ.Р.И.А)нинг тарих факультетига ўқишга киргандан кейин Б. Кармышева археолог бўлишни орзу қилган ва 1945 йил

А.Аширов – ЎзФА Тарих институти, тарих фанлари доктори, профессор.

Ҳ.Раҳматиллаев – ФарДУ, тарих фанлари номзоди, доцент

И.Абдуҳамидов – ФарДУ 2-курс магистранти.

Археология кафедраси йўналишида М.Е.Массон раҳбарлигида ўқишни битирган. Лекин университетни тамомлагандан сўнг у бахтли тасодиф тугайли, яъни турмушга чиқиши муносабати билан Душанба шаҳрига кўчиб ўтган ва машҳур шарқшунос А.А. Семенов раҳбарлигидаги Тарих, археология ва этнография институтида илмий фаолиятини бошлаган. 1950 йилда у Этнография институтининг Ленинград(ҳозирги Санкт-Петербург шаҳри)даги филиалига аспирантурага ўқишга кирган ва машҳур этнограф Л.П. Потапов раҳбарлигида илмий фаолиятини бошлаган. Аспирантурадан кейин Душанба шаҳрига қайтиб келган Болқис Халиловна юқоридаги институтда 1956 йилгача дастлаб илмий котиб ва кейинчалик катта илмий ходим лавозимларида ишлаган.

1956 йилдан бошлаб Б.Ҳ.Кармышева ўзининг илмий фаолиятини то умрининг охири-2000 йилга қадар Миклухо-Маклай номидаги Этнография институтида олиб борди.

Ҳаётда хушмуомала ва юмшоқ характерли инсон бўлган Болқис опа Кармышева фанда жуда талабчан ва ҳатто мурасим бўлган. Аввало, фанда ўзига талабчан бўлган ва ҳар бир тадқиқотни кўп бора таҳлил қилган ҳолда қайта-қайта текширишлардан сўнг кенг илмий жамотчиликка эълон қилиш унинг яхши бир одати ҳисобланган. Айнан фанга сидқидилдан, илмий холислик мезонлари асосида ёндашуви ҳар бир ёш тадқиқотчи учун наъмуна мактаби бўлган. С.С. Губаеванинг ёзишича, Болқис Ҳалиловна навбатдаги мақола учун кичик бир детални аниқлаштириш мақсадида бир неча соатлаб турли луғатлар, маълумотномалар ва бошқа махсус адабиётларни титкилаб ўтира олган ва бундай ҳолатлар унга ҳақиқий завқ берган. У ҳар бир тадқиқотини имкон қадар мукамал тарзда ёзишга ҳаракат қилган. Шу боис унинг ишлари узоқ вақт мобайнида эълон қилинган бўлса-да, жуда кўплаб янги фикр ва мулоҳазаларга бой такрорланмас тадқиқотлар бўлган [1.155]. Чунончи, бу борада Болқис Ҳалиловнанинг Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон аҳолиси этник тарихи таҳлилига оид тадқиқотлари қарийб 30 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижаси эканлигини мисол тарзида келтириб ўтиш мумкин [2].

Айнан мазкур тадқиқот орқали у тарих, этнография фанларида биринчилардан бўлиб Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон аҳолиси этник таркибининг шаклланиши муаммосини илмий асосда таҳлил қилган. Қолаверса, айнан мазкур асарда Шарқий Бухоро

аҳолисининг шаклланиш тарихига оид умумий тўлиқ манзара тақдим этилган [2].

Мақоламиз қаҳрамонининг яна диққатга сазовор хусусиятларидан бири унинг ҳар доим ўздан аввал ўтган устозларнинг илмий тадқиқотларига катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш одатидир. Агар кимдир аввалги ишларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиб, юзаки қараса, у бундай вазиятларда доимий равишда ўз фикрини билдирган.

У ўзининг илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида қатор монография ва илмий мақолалар эълон қилган. Жумладан, Население (История формирования населения, современные этнические процессы // Этнографические очерки узбекского сельского населения. М., 1969; Узбеки // Расы и народы. Ежегодник. - 1984. - №14; Этнографическая группа «Тюрк» в составе узбеков // Советская этнография.- 1960. № 1 ва бошқа қатор асарлари ҳозирда ҳам ўзбек халқи этнографияси ва этник тарихини ўрганишда муҳим тадқиқотлардан бири бўлиб келмоқда.

Б.Ҳ. Кармышева тарих фанида илк бора ўрта асрларда Мовароуннахрнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник ривожланишини белгилаб берган муҳим факторлардан бири воҳаларнинг ўтроқ аҳолиси билан “кўчманчи дашт” ўртасидаги изчил алоқалар бўлганлигини илгари сурган [3.46-55].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Болқис Ҳалиловна Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон аҳолиси, хусусан, ўзбеклар, тожиклар, маҳаллий араблар, туркманлар ва бошқа миллатларнинг этник келиб чиқиши, урф-одатлари ва маросимларини илмий-амалий ўрганиш учун кўп бора этнографик экспедициялар ташкил этиб, бевосита масалани ўз жойида ўрганишга катта эътибор берган. Этнографик экспедициялар жараёнида маҳаллий аҳоли билан самимий суҳбат қуриш орқали минтақа аҳолисининг этник тарихи, моддий ва маънавий маданиятига оид муҳим илмий маълумотларни илмий истеъмолга олиб кирган. Умунан олганда, этнограф олим сифатида дала тадқиқотлари методикасини жуда юқори даражада ўзлаштирган мутахассис бўлган.

Болқис Ҳалиловна Фарғона водийси этнографиясини ўрганиш борасида ҳам диққатга сазовор ишларни бажарган. Чунончи айнан у томонидан илк бора водий аҳолиси дафн ва мотам маросимларидаги архаик рамзлар махсус тадқиқ қилинган [4]. Айнан мазкур тадқиқот учун этнографик материаллар

йиғиш мақсадида Б. Кармышева раҳбарлигида 1982 йилнинг июль ойида С. Губаева ва мазкур мақола муаллифларидан бўлган Х.Раҳматуллаевлар иштирокида этнографик экспедиция ўтказилган. Экспедиция жараёнида Фарғона вилоятининг турли қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли орасида дафн маросимларига оид маълумотлар тўпланган. Дастлаб Марғилон шаҳрининг чекка қишлоқларидаги момолар билан ўзбекларнинг анъанавий дафн маросимлари ўрганилган. Асосий эътибор ҳали адабиётларда чоп этилмаган урф-одатлар ва маросимлар, ҳозиргача аҳоли ўртасида қўлланиб келинаётган урф-одатларни излаб топиб ўрганишга қаратилган эди. Шундан сўнг, экспедиция аъзолари Риштон ва Сўх туманларига бориб, у ердаги ўзбек, тожик халқлари ва турк этнографик гуруҳи вакиллари билан давра суҳбатлари ўтказиб, мавзуга оид жуда кўп янги материалларга эга бўлишди.

Тадқиқот жараёнида Фарғона вилояти Охунбобоев (ҳозирда Қўштепа) тумани Хўжамағиз маҳалласида 1887 йилда туғилган Шарофат Абдувоҳитова отинби, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоғида 1902 йилда туғилган Сотиш Зуннунова отин, 1899 йилда туғилган Каромат Джумаева отинби, шу туман Оқшоқ қишлоғида яшовчи 1897 йилда туғилган Саломат Дадабоева отинча, Фарғона туманидаги Аввал ва Оқтом қишлоқларида ҳам бир неча кекса ёшли онахонлар билан суҳбатлашиб, янги материаллар олинди. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, тадқиқотлар жараёнида опанинг катта малака ва тажриба эгаси эканлиги яққол кўринди ва олинган натижаларнинг аниқлигини таъминлаб берувчи асосий омиллардан бири бўлди. Экспедиция аъзолари қаерга ва қандай хонадонга киришни режалаштирса, опа маҳаллий анъанага ўзига хос ҳурмат сифатида кичик бир дастурхон тайёрлаб олар эди. Бу таомил шу хонадан эгаси билан бафуржа бир пиёла чой атрофида суҳбат қуришга имкон яратиб берарди. Ёзиб олинаётган ҳар бир маълумотни қайта-қайта

сўраб назоратдан ўтказиб мустақамлаб тайёрларди. Болқис опа ҳар кунги тўплаган ахборотларини меҳмонхонага келганда қайтадан янги дафтарга текшириб ёзиб олишни анъанага айлантирган эди.

У ўзини қизиқтириб қолган инсонлар билан қайта-қайта суҳбат қуришга ҳеч эринмасди. Шундай ҳолатлардан бири Хўжамағиз маҳалласида 1887 йилда туғилган Шарофат Абдувоҳитова отинби билан бўлиб ўтган. Опа бу ҳамсуҳбат аёл билан бир ҳафта давомида суҳбатлашган эдилар. У суҳбатдошидан олинган ҳар бир янги маълумотларни жуда секинлик билан ёзиб қайта-қайта текширар, янги хулосаларни қайтадан эринмай ёзиб чиқарди. Бу учрашувларда олинган материаллар 6 та катта дафтарда қайд этилганлиги унинг ўз ишига қанчалик масъулият билан ёндашишини кўрсатади.

Б. Кармышеванинг ўзбек халқига бўлган ҳурмати шу даражада эдики, ўзбек тилини жуда равон ва аниқ талаффузда баён этар эди. Бунинг исботи сифатида ахборотчилар билан бўлган суҳбатларнинг бирида отинбилардан бири опага сиз Фарғонанинг қаеридансиз, деб ҳам савол берганини келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёда халқлар ва миллатларнинг бир-бирига яқинлашишида, улар ўртасида дўстона ва мустақам алоқалар ўрнатилишида этнограф олимларнинг ҳиссалари жуда катта. Улар илмий фаолиятларини ташкил этишда бошқа фан йўналишларидан фарқли ўлароқ, ўзлари танлаган миллат ва халқларнинг миллий урф-одатлари, маросимларини чуқур ўрганиш орқали уларга нисбатан энг яқин дўстга айланишади, ишончига киришади ва бир умрга ҳурмат ва эътиборига сазавор бўлишади. Юқорида биз мақолада тилга олган Кармышева Болқис Ҳалиловна ҳам мана шундай улкан меҳр-муҳаббатга сазавор бўлган олималардан бири сифатида ўзбек халқининг порлоқ тарихида ўчмас из қолдирди.

Адабиётлар:

1. Губаева С. С. Балқис Халиловна Кармышева (13.07.1916-09.10.2000) // Этнографическое обозрение. - 2001. - № 3.
2. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). - М.: Наука, 1976.
3. Кармышева Б.Х. Кочевая степь Мавераннахра и её население в конце XIX — начале XX в.: (По этнографич. данным) // Сов. Этнография. - 1980, - № 1.
4. Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии (историко-этнографические очерки). - М., 1986.